2024 YIL - YOSHLAR VA BIZNESNI QO‘LLAB-QUVVATLASH YILI

# Qishloq hayoti

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2024-yil 10-aprel, chorshanba | № 15 (9283) | e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru | @Qishloqhayoti_gazetasi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## МУБОРАК РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз учун асрлар давомида эзгулик, меҳр-оқибат, хайру саховат, маънавий покланиш айёми бўлиб келаётган муборак Рамазон ойини бу йил юртимиз мўмин-мусулмонлари ўзгача шукуҳ ва ҳамжиҳатлик билан ўтказдилар. Айниқса, раҳмат ва мағфират нурлари ёғиладиган ушбу саодатли кунларда кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилалар, ногиронлиги бўлган шахсларга моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатилаётгани, барча ҳудудларимизда кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида эҳсон дастурхонлари ёзилиб, эл-юртимизнинг тинчлиги, бахти ва келажаги учун дуойи фотиҳалар қилинаётгани бу ойнинг файзу тароватини янада оширмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, бундай савобли ва олийжаноб ишлар ер юзидаги барча инсонларни доимо дўст ва биродар бўлиб яшашга даъват этадиган муқаддас ислом динимизнинг эзгу ғояларини чуқур ҳис этган ҳолда, мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликни, турли миллат ва конфессиялар ўртасидаги тотувликни мустаҳкамлашга, бугунги ёруғ ҳаётимизнинг қадрига етиб, уни янада обод ва фаровон этишга хизмат қилмоқда.

Муборак Рамазон ҳайити кунларида янада яққол намоён бўладиган ана шундай анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш ҳамда кенг тарғиб этиш мақсадида:

1. Жорий йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни **10 апрель – чоршанба** кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилиниб, мамлакатимизда 2024 йил **10 апрель** куни Рамазон ҳайити байрами сифатида кенг нишонлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Рамазон ҳайитини халқимизнинг **миллий анъана ва урф-одатларига уйғун ҳолда** ўтказиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

Туризм қўмитаси Транспорт вазирлиги билан биргаликда юртдошларимиз учун Рамазон ҳайити кунларида **мўътабар зиёратгоҳлар ва тарихий қадамжоларга зиёратларни ташкил этиш** мақсадида қулай шароит ва имкониятлар яратсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси М.М.Камилов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 8 апрель

## ЮТУҚЛАР САЛМОҚЛИ, ЯНАДА ЮКСАК МАРРАЛАРНИ ШИЖОАТЛИ ЁШЛАР БИЛАН ЗАБТ ЭТАМИЗ

**Президент Шавкат Мирзиёев 8 апрель куни саноатнинг юқори технологик тармоқлари, қишлоқ хўжалиги ва бошқа йўналишларда амалга оширилаётган лойиҳалар, маҳаллаларда аҳоли даромадларини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар билан танишиш, янги корхоналар қурилишига старт бериш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларини муҳокама қилиш мақсадида Жиззах вилоятига ташриф буюрди.**

Биринчи манзил Фориш туманидаги “Basalt Uzbekistan” кластери бўлди.

Фориш ҳудуди бўйича вилоятда энг катта туман. Лекин ердан фойдаланиш самарадорлиги анча паст эди. Адир ва яйловларда, асосан, чорва боқилиб, саноат корхонаси йўқ эди.

Етти йил аввал Форишга саноат кириб келди – Олмоссой конидан базальт тошини қазиб олиб, ундан тола тайёрлаш йўлга қўйилди. Ноёб, инновацион технология асосида қурилиш саноати учун муҳим бўлган арматура ва сеткалар ишлаб чиқарила бошланди.

Давлатимиз раҳбари 2019 йил январь ойида бу корхонага ташриф буюриб, унинг фаолиятни янада кенгайтириш, маҳсулотлар турини кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Шу асосида бозордаги талаб, хомашё олинадиган конлар ўрганилди. Германия, Франция, Италия, Чехия каби давлатлардан энг замонавий технологиялар келтирилди. Натижада 300 гектар майдонда умумий қиймати 498 миллион долларлик олтита лойиҳа ташкил этилиб, корхона кластерга айланди.

Давлатимиз раҳбари хомашё тошлари ва тайёр маҳсулотларни кўздан кечирди.

Кластерда йилига 177 минг тонна базальт тошидан махсус тола, директ ровинг, фибра, арматура, композит геосетка, қувурлар, мато ва иссиқлик-изоляция плиталари каби 42 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Жумладан, ўтган йили 45 минг тонна 554 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланган. Уларга дунёда талаб юқори. Маҳсулотларнинг 80 фоизи АҚШ, Англия, Польша, Италия, Чехия, Грузия, Россия, Туркия, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби давлатларга экспорт қилинган.

Кластерда 1 минг 700 дан ортиқ киши иш билан таъминланган.

Мутахассисларнинг айтишича, базальтдан тайёрланган қурилиш материаллари занглламайди. Енгил, лекин мустаҳкам. Бетон қоришмаларининг ишқорли муҳитига, тузли ва кислота аралашмаларига чидамли. Деворга базальт материали ишлатиш мустаҳкамликни оширади, бинода иссиқликни яхши сақлайди. Ёнувчан эмаслиги яна бир муҳим томони. Шу билан бирга, маҳсулот нархи ҳам нисбатан арзон.

Ушбу маҳсулотларни коммунал хўжалиги, автомобилсозлик, тўқимачилик, нефть-газ ва бошқа тармоқларда қўллаш бўйича тақдимот қилинди.

Президентимиз бунинг афзалликларини тадбиркорларга тушунтириш, уларнинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш бўйича кўрсатма берди. Янги давлатларга сифат сертификатлари олиб, ташқи бозорга чиқишни янада фаоллаштириш, халқаро қурилиш ва саноат компаниялари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади.

**(Давоми 2-саҳифада)**



*Тошкент вилояти Чиноз тумани Бирлик маҳалласи аҳли томорқаларидан унумли фойдаланиб келишмоқда.*

**Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.**



**Бу йил** Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 688 йиллигини нафақат юртимизда балки халқаро миқёсда кенг нишонламоқдамиз.

## ТАРИХИЙ МАНБАЛАРДА МУҲРЛАНГАН БУЮК МАДАНИЙ ВА МАЪНАВИЙ МЕРОС

Амир Темур сиймоси мангуликка дахлдор бўлиб, бутун башариятни эзгуликка чорлаб туради. Соҳибқироннинг маънавиятга, илм-фанга қаратган юксак эътибори, бой илмий ва маданий мероси ислом динига қувват бергани ҳозирги кунда ҳам беқиёс аҳамиятга моликдир. Ана шу маънода олиб қараганда Амир Темурнинг давлат ва жамият бошқарувидаги улкан тажрибаси, бой маданий ва маънавий мероси, шахсий адолатпарварлиги нафақат ўз даври учун аҳамиятли бўлиб қолмасдан, балки, бугунги кун учун ҳам аҳамиятга моликдир. Бинобарин, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Буюк Соҳибқирон Амир Темур бобомиз Оқсарой пештоқига “Адолат – давлатнинг асоси ва ҳукмдорлар шиоридир” деган ҳикматли сўзларни ёздиргани бежиз эмас, албатта. Ушбу улуғвор ғоя инсон қадр-қимматини олий даражага кўтариш борасидаги амалий ҳаракатларимиз пойдеворига айланди”.

**(Давоми 3-саҳифада)**

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

## БОЗОРЛАР САНИТАРИЯ ТАЛАБЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИМИ?

**Хорижда бўлганлар яхши билади. Модомики, она юртимиз Ўзбекистондан гап очилгудек бўлса, энг аввало мавзу бозорларимиз ҳақида бўлиши табиий. Буни Украина, Россия мамлакатларига ташриф чоғида кўп кузатганман. Айниқса, кўплаб кўҳна ва навқирон шаҳарларимиз бозорларидаги саришталик, тозаликка йўғрилган расталар, дала, боғ, томорқаларда етиштирилган экологик тоза, минг бир дардга даво мева, сабзавотларнинг бетакрор таъми, сифати ҳақида мезбонлардан эшитишлик кишида фахр-ифтихор туйғусини жўштириб юборади.**

Хўш, бугун бозорларимизда ҳолат қандай? Айниқса, халқимиз улуғ Рамазон ҳайити байрамини нишонлаш арафасида турган айни дамларда бозор маъмурияти масъуллари харидорларга қулай шароитлар яратиш борасида қандай фаолият олиб бормоқда? Бозор ҳудудларини санитария талаблари даражасида сақлашга қандай эътибор қаратилаяпти?

Ана шу саволларга ойдинлик киритиш борасида Республика Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги Қўмитасининг Наманган вилояти бошқармаси томонидан мавжуд деҳқон бозорларининг санитария ҳолатини янада яхшилаш мақсадида текширув ва ўрганишлар ўтказилмоқда. Вилоят ички ишлар, фавқулодда вазиятлар бошқармалари, бозорлар уюшмаси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган режали текширишларда бозорларда харидорлар ва сотувчиларга қулай шароит яратилганлиги, сотилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг инсон саломатлигигига таъсири, чиқиндихона ва ҳожатхоналардаги ҳақиқий ҳолат тўлақонли назоратга олинмоқда.

Жумладан, Наманган шаҳрида жойлашган “Наманган Чорсу деҳқон универсал бозори”, “Сардоба бозори”, Давлатобод туманида жойлашган “Яшил деҳқон бозори” ва барча туман марказларида жойлашган деҳқон бозорлари “Ягона давлат назорати” ахборот тизимида рўйхатга олиниб, “Хабардор этиш тартиби"даги текширишлар амалга оширилди. Аниқланган санитария ҳолати бузилишлари текшириш давомида бартараф эттирилди. Харидор ва сотувчиларга қулай





шароитлар яратиш, сотувчининг иш вақтида махсус кийим-бош билан савдо қилиши, озиқ-овқат маҳсулотларининг санитария талабларига жавоб бериши тўғрисида зарурий кўрсатма ва тавсиялар берилди..

Шунингдек, чиқиндихоналар тартибга келтирилди. Барча бозорлар ҳудудида санитария мутахассислари томонидан дезинфекция, дезинсекция ва дератиация ишлари амалга оширилди..

Текшириш жараёнида санитария талабларини бузганлиги, бозорнинг санитария ҳолатини таъминламаганлиги учун бозорлар масъулларидан тушунтириш хатлари олиниб, текшириш давомида аниқланган ҳолатлар бўйича тўпланган материаллар чора кўриш учун судларга тақдим этилди. Ҳамкор ташкилотлар билан бу каби тадбирларни режали ва давомли амалга ошириш борасида келишиб олинди.

**Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**



ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

## САЙФИДДИН ЁШ ФИЗИКЛАРНИНГ БУТУНЖАҲОН ОЛИМПИАДАСИДА ЮРТИМИЗ ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

*Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг Республика олимпиадаси ўтказилиши анъанага айланган. Бу ўқув йилида физика ва кимё фанлари бўйича олимпиаданинг IV-босқичи 29-31 март кунлари Қарши шаҳрида ўтказилди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан ҳар бир фан бўйича эллик нафардан ўқувчилар уч кун давомида ўзаро куч синашдилар. Улар орасида Ғузор туманидаги 68-давлат ихтисослаштирилган мактаб интернатининг ҳар бир фан бўйича биттадан ўқувчиси вилоят шаънини ҳимоя қилдилар.*

**(Давоми 3-саҳифада)**

*Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги "BMB Opera Zafferano" қўшма корхонаси томонидан 400 гектарлик заъфарон плантацияси яратилди*

# ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Муборак Рамазон ҳайитини нишонлаш арафасида халқимизга хос эзгулик, бағрикенглик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва кечиримли бўлиш каби олижаноб фазилатларнинг ёрқин ифодаси сифатида "Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги Фармонни имзолади.**

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 23-бандига асосан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган **426** нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг **135** нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, **200** нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, **26** нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, **65** нафар шахсларга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг **11** нафарини чет эл фуқаролари, **50** нафарини аёл, **13** нафарини **60** ёшдан ошган эркаклар, **157** нафарини ёшлар (шулардан, **3** нафари вояга етмаганлар) ҳамда **5** нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.



ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

# АРЧА УНСИМОН ҚУРТИГА ҚАРШИ ҚАНДАЙ КУРАШИЛАДИ?

Арча унсимон қурти карантин зараркунанда бўлиб, игна баргли ва ўрмон дарахтларига жиддий зарар етказади. Унга қарши кураш бўйича агротехник, биологик, кимёвий ишловларни зудлик билан қўллаш жоиз. Ушбу зараркунанданинг личинка ва урғочилари арчанинг новдалари ва баргларини сўриб, зарар етказади. Унинг личинка ва урғочилари барча ер устки қисмлари билан озиқланади.

Айниқса, барглар кучли даражада зарарланади. Унинг катталиги 2-3 мм. бўлиб, сарғиш, қизғиш, кулранг тусда бўлади. Етук самес (эркак) зотлари март ойи охирида, самка (урғочи зот)лари апрелъ бошларида чиқиши кузатилган. Уларнинг тухум қўйиши май ойи давомида ва июнъ бошларигача давом этиб, ўртача 280 тагача тухум қўяди.

Бу зараркунандага қарши курашда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур: Арча унсимон қуртини ички карантин аҳамиятга молик зараркунанда сифатида рўйхатга олиш, зараркунанда тарқалган жойлар ва ҳудудлар аниқланиши ҳамда бу жойлардан арча кўчатларининг бошқа жойларга юборилиши қатъиян тақиқланиши шарт. Зараркунандага қарши курашда унинг тухумдан личинка очиб чиқиш даврида кимёвий препаратларни қўллаш юқори самара беришини инобатга олиб, кимёвий ишловларни шу даврларда бошлаш керак. Зараркунанда билан жиддий шикастланиб, қуриш ҳолатига келиб қолган дарахтларни кесиб, унсимон қурт кенг тарқалмаслиги учун уларни ўша жойнинг ўзида ёқиб, йўқотиш шарт. Агротехник тадбирларни ўз вақтида ва тўлиқ бажариш, вақтида суғориш ва шакл бериш керак. Кимёвий препаратлардан Би-58 (янги) 40% эм.к, Багира 20% эм.к ва Атилла 5% эм.к, Демофос, Карбофос каби кимёвий препаратлардан фойдаланиш тавсия қилинади.

Ушбу препаратлар билан зараркунандаларнинг пайдо бўлиши билан биринчи ишлов ўтказилади ва зараркунанда буткул йўқолгунча ҳар ўн беш кунда кимёвий ишловлар олиб борилиши керак. Профилактика сифатида вақт-вақти билан қуёш қизиб кетган пайтларда арча дарахтларини ювиб, сўнгра қарши кураш тадбирларини қўллаш яхши самара беради. Фитосанитария назорати кучайтирилиб, иш жараёнида малакали мутахассислар томонидан зарур тавсиялар бериб борилади.

**Ж.ШАРИФБОЕВ,**
**Р.БЕРДИҚУЛОВ,**
**С.ҲАЙДАРОВ,**
*Янгиобод тумани Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўлими мутахассиси ва фитосанитар назорати давлат инспекторлари.*

# ЮТУҚЛАР САЛМОҚЛИ, ЯНАДА ЮКСАК МАРРАЛАРНИ ШИЖОАТЛИ ЁШЛАР БИЛАН ЗАБТ ЭТАМИЗ

**(Боши 1-саҳифада)**

Келгуси йил кластернинг корхоналаридан бири – "Басфибер трейд" томонидан йилига 25 минг тонна базальт тошидан тола ва мато ишлаб чиқариш қуввати яратилади. Ҳозирги пайтда 145 миллион долларлик зарур ускуналар келтирилган. Бу янги лойиҳа асосида ишлаб чиқарилган маҳсулот ички эҳтиёжни қоплаш билан бир қаторда, 90 фоизи экспортга йўналтирилади.

Мутасаддиларга шу ернинг ўзида 500 миллион долларлик, қўшилган қиймати юқори бўлган 20 турдаги янги лойиҳаларни жойлаштириш вазифаси қўйилди. Натижада қўшимча 2 мингта иш ўрни пайдо бўлади.

Давлатимиз раҳбари Шароф Рашидов туманида қурилаётган "Янги Ўзбекистон" массивини бориб кўрди.

Вилоятда илгари ҳеч бундай кенг кўламли қурилишлар бўлмаган эди. Сўнгги йилларда ўнлаб заводлар ишга туширилди, янги саноат тармоқлари пайдо бўлди. Шунга яраша ижтимоий инфратузилма ҳам барпо этилмоқда.

Шароф Рашидов туманининг бу ҳудуди адир ёнбағри, ундан деярли фойдаланилмас эди. Ҳозир 140 гектарли улкан майдонда жадал қурилиш кетмоқда. Лойиҳа уч босқичли бўлиб, 3 минг 936 хонадонли 105 та кўп қаватли уй барпо этилиши режалаштирилган. Уйлар 9, 12 ва 16 қаватли бўлиб, бу ҳам Жиззах шароитида янгилик.

Айни пайтда биринчи босқич доирасида 204 хонадонли 4 та кўп қаватли уй, марказий қозонхона, шоурум ва ички йўллар қурилган. Яна 16 та турар жой, мактаб ва мактабгача таълим муассасаси, савдо маркази бунёд этилади. "Иннотехнопарк" аҳолини иш билан таъминлашда қўл келади.

Иккинчи босқич 2026, учинчиси 2028 йилларга режа қилинган. Бунда уйлардан ташқари маҳалла маркази, поликлиника, масжид, меҳмонхона, болалар ва спорт ўйингоҳлари, "Янги Ўзбекистон" боғи барпо этилади. Бўш майдонларга ҳам дарахтлар экилиб, хиёбонга айлантирилади.

Давлатимиз раҳбари бу йил режалаштирилганига қўшимча уйлар қуриб, имтиёзли ипотека кредитлари орқали аҳолига харид имкониятини яратиш бўйича кўрсатмалар берди. Шунга мутаносиб равишда инфратузилма тармоқлари, мактаб, болалар боғчаси каби ижтимоий муассасалар қурилишини жадаллаштириш, савдо ва хизматларни, жумладан, йўл бўйида умумий овқатланиш шохобчаларини ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди.

Жиззах вилоятида учта шундай массив барпо этилмоқда. Уларда 4 минг 700 хонадонга эга 156 та кўп қаватли уй қурилади. Аҳоли барча ижтимоий хизматлар билан таъминланади. "Янги Ўзбекистон" массивлари қуриш ҳаракати Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги фармонига мувофиқ бошланган. Умуман, мамлакатимизда 53 та массивда бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Бугунги кунда 14 минг 400 та хонадонли 409 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилган. Жорий йилда бундай массивларда 31 минг 447 та хонадондан иборат 767 та турар жойлар қурилиши белгиланган.

Президент Шавкат Мирзиёев Шароф Рашидов туманидаги Туёқли маҳалласида бўлиб, аҳоли турмуш шароити ва даромадлари билан қизиқди.

Маҳаллалардаги имкониятларни ишга солиб, аҳоли бандлигини таъминлаш бугун давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бунда энг қулай ва ҳаммабоп имкониятлардан бири томорқадан фойдаланишдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 5 мартдаги "Аҳоли хонадонларида саноат усулида маҳсулот ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ҳамда томорқа ва деҳқон хўжаликларида янги захираларни ишга солишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида катта имкониятлар белгиланди.

Бундай омилкорликни Туёқли маҳалласида ҳам кўриш мумкин. 678 та хонадоннинг деярли ҳаммасида томорқа бор. Уларнинг жами майдони 36 гектар. Мевали дарахтлар, ток ва сабзавотлар яхши ҳосил беради. 314 та хонадондаги иссиқхоналарда полиз экинлари ва гул кўчатлари етиштирилади.

Давлатимиз раҳбари шу ерлик Абдумўмин Каримов хонадонини кириб кўрди.

Уйнинг томорқаси 12 сотих, шундан 7 сотихида иссиқхона барпо этилган. Бундан ташқари, чорва, товуқ, асалари боқилади. Хонадон эгаси рўзғорбоп экинлар етиштириб, йилига 200 миллион сўмдан зиёд даромад олаётганини сўзлаб берди.

– Ўртача маҳалладаги шу оддий хонадон мисолида кўраяпмизки, оиланинг ўзида ҳаракат бўлса, яхши даромад топса бўлади. Аҳоли ихтиёрида томорқалар, ундан фойдаланаман деган инсонлар ҳам кўп. Фақат уларга ёрдам бериш керак. Масалан, маҳаллий корхоналарни жалб этиб, иссиқхона қурилмалари, воиш, асалари уяси, кўчат, уруғлик ва озуқаларни яхлит тўплам қилиб, арзон нархда етказиб бериш зарур, – деди Шавкат Мирзиёев.

Президент шу ерда «маҳалла еттилиги» билан суҳбатлашди. Жойлардаги имкониятларни тўлиқ ишга солиш орқали оилаларнинг даромадини, харид қобилиятини ошириш ҳақида сўз юритилди. Бу уларнинг ҳаёт сифатида, саломатлигида, фарзандлари камолида акс этиб, жамият ривожига ҳисса бўлиб қўшилиши таъкидланди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев "ADM Jizzakh" автомобиль заводи фаолияти билан танишди.

Олдинлари Жиззах вилояти саноат кўрсаткичлари энг паст бўлган ҳудудлардан бири эди. Бугунги кунда ҳар бир туманга саноат кириб борди.

Вилоят саноатини ривожлантиришда "Жиззах" эркин иқтисодий зонаси катта ўрин тутмоқда. У маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича республикада учинчи, экспорт ҳажми бўйича эса олтинчи ўринда туради. Кейинги йилларда унинг фаолияти такомиллаштирилиб, ишлаб чиқаришга қулайлик кенгайтирилди. Бугунги кунда саноат зонасида 33 та лойиҳа амалга оширилиб, 7 минг 670 киши ишламоқда.

"ADM Jizzakh" масъулияти чекланган жамияти саноат зонасида самарали фаолият юритаётган корхоналардан бири. У 2021 йилда ташкил этилган. Ўтган уч йилда "Kia", "Chery" ҳамда "Haval" брендлари остида 23 турдаги 36 мингта автомобиль ишлаб чиқарилган.

Лойиҳа доирасида 234 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағлар ўзлаштирилиб, 1 минг 800 та иш ўрни яратилди.

Биринчи босқичда йирик узелли йиғув йўлга қўйилган эди. Бир вақтнинг ўзида заводни кенгайтириш бўйича ишлар олиб борилиб, жорий йил март ойида янги бино ва қувватлар ишга туширилди. Яъни, юқори технологияларни жалб қилган ҳолда штамплаш, пайвандлаш, бўяш ва йиғишни қамраб олувчи ишлаб чиқариш жараёни ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари заводдаги ишлаб чиқариш жараёнини атрофлича кўздан кечирди.

Корхона юқори технологик ускуналар билан жиҳозланган. Улар Жанубий Корея, Япония ва Германия каби давлатлардан келтирилган. Заводда 30 та робот бор, ишлаб чиқариш жараёни 33 фоиз автоматлаштирилган. Автомобилнинг юриш қисмлари созлиги, статик ва динамик тормоз тизимини текшириш жиҳозлари ўрнатилган.

Президентимиз заводда маҳаллийлаштириш даражасини ошириш, юртимиз саноат корхоналари билан кооперацияни кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Бу борада ишлар бошланган. 2024-2027 йилларда 348 турдаги бутловчи қисмларни маҳаллийлаштириш режалаштирилган. Айни пайтда мамлакатимиздаги 21 та корхона билан кооперация тизими йўлга қўйилган.

Умуман, корхонада йилига 100 минг дона енгил автомобиль ишлаб чиқариш қуввати яратилади. Натижада келгусида иш ўринлари сони 3 мингга етказилиши кўзда тутилган.

Автомобиллар сифатини янада ошириш мақсадида Жанубий Корея, Ҳиндистон, Хитой ва Вьетнам давлатларидан малакали мутахассислар жалб этилди. Бу борада хорижий ҳамкорлар билан жорий йилдан бошлаб дастлаб 50 нафар муҳандис Жанубий Корея ҳамда Хитойдаги тадқиқот ва лойиҳалаш марказларида малака оширишга юборилиши белгиланган.

Давлатимиз раҳбари заводда ишлаб чиқариш бошланган янги "Kia Sonet" автомобилини кўрди.

Охирги беш йилда Жиззах вилоятига 4 миллиард доллардан ортиқ инвестициялар кириб келган. 50 триллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 861 миллион долларлик экспорт қилинган.

Бу йил вилоятда 2 миллиард долларлик 400 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Уларда 11 мингта янги иш ўрни очилади.

Давлатимиз раҳбарига бу соҳадаги режалар тақдимот қилинди. Хорижий инвестор ва маҳаллий тадбиркорлар 6 миллиард 100 миллион долларлик 50 та лойиҳани амалга оширишга тайёрлигини билдирди.

Лойиҳалар тоғ-кон, машинасозлик, электр техникаси, кимё, тўқимачилик, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт ва фармацевтика каби талаб юқори соҳаларда. Муҳими, уларнинг натижасида қарийб 20 минг янги иш ўрни яратилади.

Президентимиз инвесторларга лойиҳаларни амалга оширишда омад тилади. Мутасаддиларга уларнинг ижросини алоҳида назоратга олиш топширилди.

Ўзбекистон Президенти Жиззах вилоятига ташрифи чоғида саноат ва энергетика лойиҳаларининг бошланишига бағишланган маросимда иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг бошида барчани яқинлашиб келаётган Рамазон ҳайити билан табриклаб, халқимиз манфаати йўлидаги ҳаракатларга хайр-барака тилади.

Маълумки, саноат ривожи барқарор энергетикага боғлиқ. Шу боис бу икки соҳа мутаносиб ривожлантирилмоқда. Биргина 2023 йилда мамлакатимизда 4 минг 600 та саноат корхоналари ишга туширилди. Саноат 6 фоизга ўсиб, 656 триллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Умумий қуввати 2,4 гигаватт бўлган 7 та йирик иссиқлик, қуёш ва шамол электр станциялари тармоққа уланди. Бундан ташқари, 14 миллиард долларлик хорижий инвестициялар ҳисобига 12 гигаваттли 31 та электр станцияси барпо этилмоқда. Бу йил Навоий, Бухоро, Наманган, Тошкент ва Қашқадарёда 2,6 гигаватт қувватлар тармоққа уланади. Умуман олганда, муқобил энергетикани ривожлантириш ҳисобига жорий йилда "яшил" энергиянинг генерациядаги улуши 30 фоизга етади.

– Биз бу ишларни халқимизга муносиб турмуш шароити ҳамда саноатимиз ривожи учун узлуксиз энергия таъминотини яратиш мақсадида амалга ошираяпмиз. Бу ҳамма ҳудудларда яхши анъанага айланиб улгурди, – деди Шавкат Мирзиёев.

Жиззах вилоятида ҳам бундай лойиҳалар кўп. Улардан бири – Ғаллаорол туманида барпо этиладиган, металлургияга ихтисослашган саноат зонаси. У ерда 500 миллион долларлик 7 та лойиҳа амалга оширилади. Жумладан, арматура, пўлат шарлар, қувурлар, автомобиль кузови ва махсус техникалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Ҳудудда божхона омбори ҳам бўлади. Жами 5 мингта иш ўрни яратилади.

Иккинчи лойиҳа – Фориш туманида Хитойнинг "China Poly Group" ва "China Electric" компаниялари билан ҳамкорликда қуриладиган қуёш электр станцияси. 350 миллион долларлик ушбу мажмуа 500 мегаватт қувватга эга бўлади. Унда йилига 1,1 миллиард киловатт соат "яшил" энергия ҳосил қилинади. Бу 450 минг хонадоннинг энергия таъминоти яхшиланади, дегани. Станциянинг дастлабки 200 мегаватт қуввати шу йил якунида тармоққа уланади.

Президент Шавкат Мирзиёев рамзий тугмани босиб, мазкур икки мажмуа қурилишини бошлаб берди.

Яқин йилларда Шароф Рашидов, Фориш ва Ғаллаорол туманларида яна 1 минг 660 мегаваттли иссиқлик, шамол ва қуёш электр станциялари ҳам қурилади. Булар аҳоли турмуш даражасини ошириб, иқтисодиёт ривожига қўшимча туртки бўлади.

Сўнг Президент Шавкат Мирзиёев "BMB Holding" компаниясининг Шароф Рашидов туманидаги агрологистика мажмуасини бориб кўрди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги экспортининг салоҳияти юқори. Бунда маҳсулотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишнинг барча босқичларини қамраб олган агрологистика марказлари жуда муҳим.

"BMB Holding" компаниясининг ўтган йил декабрда ишга тушган мажмуаси ҳам шулардан бири. Бу лойиҳанинг умумий қиймати 57 миллион доллардан зиёд. Мажмуада йилига 10 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ҳамда 8 минг тоннани бирламчи қайта ишлаш имкони мавжуд. 180 киши доимий иш билан таъминлаган.

Давлатимиз раҳбари корхонадаги иш жараёнини ва экспортга тайёр маҳсулотларни кўздан кечирди.

Логистика марказига мева-сабзавот маҳсулотлари Жиззах вилояти ва қўшни ҳудудлардан олиб келинади. Ўтган йили "BMB Holding" тизимидаги агрокластер томонидан 1 минг 200 дан ортиқ фермердан шартнома асосида 16 турдаги 52 минг тоннадан ортиқ ҳосил олинди.

Жорий йилда Сайхунобод тажрибаси асосида 2 минг 485 нафар аҳоли томорқалари билан кооперация асосида шартнома қилинади. Шунингдек, 4 мингга яқин фермер хўжалигининг 14 минг 500 гектар майдонида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилади. Бунинг натижасида кластер негизида қўшимча 32 мингтадан ортиқ мавсумий иш ўрни яратилади.

Мажмуада фитосанитар ва санитар-эпидемиологик сертификатлаш лабораторияси, божхона ҳамда банк филиаллари, хостел ташкил этилган. Лаборатория Россия, Хитой, АҚШ ва Германия давлатларидан келтирилган 34 та энг замонавий ускуна билан жиҳозланган.

Карантин ходимлари шу ернинг ўзида маҳсулотларни кўрикдан ўтказади. Муҳими, улар томонидан расмийлаштирилган фитосанитар сертификат 119 та давлат томонидан тан олинади.

Бу каби имкониятларнинг мавжудлиги корхонанинг экспорт салоҳияти ва географиясини оширмоқда. Бугунгача Қозоғистон, Покистон, Россия Федерацияси ва Хитойга қарийб 43 миллион долларлик маҳсулот юборилди. Жорий йил якуни бўйича экспорт ҳажмини 58 миллион долларга етказиш режа қилинган.

Президентимиз бундай агрологистика марказларини бошқа ҳудудларда ҳам кўпроқ ташкил этиб, уларга муайян далаларни ва маҳаллаларни бириктириш зарурлигини таъкидлади. Бу тадбиркор учун етарли маҳсулот, аҳоли учун кафолатли харид имкониятини беради.

Маълумот ўрнида таъкидлаш лозим, 2017 йилда ташкил топган компания таркибида бугун 4 та қўшма ва 26 та шўъба корхона мавжуд. Иқтисодиётнинг турли жабҳаларида қарийб 1 миллиард 500 миллион долларлик инвестицион лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги "BMB Opera Zafferano" қўшма корхонаси томонидан 400 гектарлик заъфарон плантацияси яратилди. Етиштирилган маҳсулотлар USDA ORGANIC сертификатига эга бўлиб, Италия, Австрия, Голландия, Франция, Жанубий Корея, Саудия Арабистони каби давлатларга экспорт қилинмоқда. АҚШ бозорига кириш учун ҳам FDA рухсатномаси берилган.

Келгуси уч йилда бу лойиҳанинг қиймати 80 миллион еврога етказилиб, заъфарон етиштириш ҳажми 1,8 тоннадан 20 тоннага оширилади. Давлатимиз раҳбари бу режаларни маъқуллаб, заъфарон майдонлари ва экспортини кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Президент Шавкат Мирзиёев Жиззах шаҳрида барпо этилган Киберспорт аренасида ёшлар билан учрашди.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 16 ноябрдаги қарорига мувофиқ, киберспорт турлари оммалаштирилмоқда. Жумладан, Жиззах шаҳрида собиқ теннис корти биноси ўрнида киберспорт аренаси ташкил этилди. 1 минг 200 томошабинга мўлжалланган асосий зал замонавий ҳолатга келтирилди. Шунингдек, бу ерда 12 та ўқув ва машғулот хоналари, мажлислар зали, 35 ўринли ётоқхона ҳамда кафетерий мавжуд.

Арена универсал бўлиб, бокс, кураш, баскетбол, стол тенниси, шахмат, шашка бўйича халқаро мусобақаларни, "Беш ташаббус" тадбирларини ҳам ўтказиш мумкин. Мажмуа таркибидаги IT академиясида ёшларга компьютер саводхонлиги, хорижий тиллар, график дизайн, дастурлаш, робототехника ва бошқа йўналишлар ўқитилади. Бу соҳада мутахассислар тайёрлаш бўйича "Муҳаммад ал-Хоразмий ворислари" тизимини амалга ошириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари бу ерда киберспорт, шахмат, "Заковат" интеллектуал ўйинлари, баскетбол мусобақаларини кузатди, ёшлар билан мулоқот қилди.

– Бугун Жиззахнинг кўп жойларида бўлдик, янги лойиҳаларни бошладик. Албатта, вилоятнинг иқтисодиёти, бунёдкорлик кўлами аввалгидан анча юқори. Лекин энг муҳим ютуқ – ёшларимизнинг ҳаракати, нияти, ўзига ишончи. Биз белгилаб олган Стратегияни, катта марраларни шундай ёшлар билан амалга оширамиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Ташриф давомида мутасаддилар арена фаолиятига доир режалар хусусида сўзлаб берди. Хусусан, жаҳон чемпионатларида иштирок этиш учун турли даражадаги турнирлар ғолиблари билан дўстлик мусобақалари ўтказилади.

Ҳар бир йўналиш бўйича иқтидорли ёшларни аниқлаб, уларни профессионал спортга йўналтириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Жиззах вилоятига ташрифи давом этмоқда.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Икром АВВАЛБОЕВ,**
**Абдужалол ҚАЮМОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

*Амир Темур барпо қилган буюк салтанат дунё халқлари тақдирида муҳим ўрин тутган*

# ТАРИХИЙ МАНБАЛАРДА МУҲРЛАНГАН
# БУЮК МАДАНИЙ ВА МАЪНАВИЙ МЕРОС



**(Боши 1-саҳифада)**

Буюк салтанат соҳиби Амир Темур барпо этган қудратли давлат ҳар томонлама тараққий этди. Мўғуллар истибдоди даврида топталган юрт қайтадан ўзлигини намоён этди. Дунёнинг, хусусан, Европа давлатлари билан турли соҳаларда алоқалар ривож топди. Амур Темур ва у барпо этган қудратли давлатга қизиқиш тобора ортиб борди. Бу эса тарихий манбаларда ўз аксини топганлиги билан аҳамиятлидир. Машҳур сайёҳ ва элчи Руи Гонсалес де Клавихонинг "Кундалик"лари, Темур ва темурийлар даври тарихидан баҳо юргизувчи муҳим асарлардан бири ҳисобланади. Китоб 1404 йили Самарқандда Темур саройида турган Кастилия (Испания) қироли Генрих III (1390-1406)нинг элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг йўл хотираларидан иборат, яъни унинг 1403-1404 йиллари Туркия, Эрон ва Мовароуннаҳрда, хусусан, Амир Темур саройида кўрган-билганларини ўз ичига олган муҳим тарихий асардир. Клавихонинг Амир Темур юртига қилган элчилик саёҳати 1403 йилнинг 22 майида бошланиб, ўн беш ой деганда у Самарқандга етиб келди. Тарихий манбаларда келтирилган маълумотларга қараганда, XIV асрнинг 80-90-йилларда Соҳибқирон Амир Темур давлатининг шон-шуҳрати Оврўпо мамлакатларигача бориб етди. Англия, Франция, Испания, Генуя ва Византия сингари давлатнинг ҳукмдорлари Амир Темур билан сиёсий ва иқтисодий (савдо) муносабатлар ўрнатишга интилиб, улуғ жаҳонгир ҳузурига мунтазам равишда ўз элчиларини юбориб турдилар. Масалан, юқорида тилга олинган Кастилия қироли Генрих III нинг элчиси дон Пелагия де Сатоматир ва дон Фердинанд де Паласуелос 1402 йили Амир Темур Қорабоғда турганда унинг ҳузурига келишган. Хуллас, ўша йиллари Амир Темур билан Оврўпо давлатлари ўртасидаги савдо ва сиёсий муносабатлар қандай бўлганлигини жуда кўп расмий ҳужжатлардан ҳам билиб олиш мумкин. Булар Соҳибқирон Амир Темур ва унинг учинчи ўғли Ғарбий Эрон, Ироқ ва Озарбайжон ҳокими мирзо Мироншоҳ (1393-1408) билан Франция, Англия ва бошқа мамлакатлар подшоҳлари ўртасидаги мактублардир. Клавихонинг Амир Темур ҳузурига қилган элчилик саёҳати жуда узоқ, хавф-хатар ва машаққатлар билан тўла сафар бўлди. Клавихо ва унинг ҳамроҳлари Испаниянинг жануби-шарқий тарафида жойлашган Кадис шаҳридан елканли кемада Ўрта ер денгизи бўйлаб суздилар, сўнгра Истанбул, Трабзон, Арзирум, Табриз, Теҳрон, Машҳад, Марв ва Балх орқали қуруқликда йўл босдилар. Улар Термиз қаршисида Амударёдан ўтиб, Кеш орқали 1404 йилнинг 31 августида Самарқанд қишлоқларидан бири бўлган Мисрга келдилар ва Соҳибқироннинг шу атрофдаги чорбоғига келиб тушдилар. Шуни ҳам айтиш керакки, ўшанда Клавихо билан бирга Миср ва Туркия султонининг элчилари ҳам Самарқандга келдилар. "Кундалик"да Амир Темур ва унинг яқинлари ташаббуси билан барпо этилган бинолар: қасрлар, масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар, савдо расталари, дўконлар, устахоналар тасвирланган. Темурийлар давлатининг Хитой, Ҳиндистон, Олтин Ўрда (Клавихо уни Татаристон деб атайди), Мўғулистон ва бошқа мамлакатлар билан бўлган сиёсий ва савдо алоқалари, Темур саройида амалда бўлган тартиб-қоидалар ҳақида эътиборга молик маълумотлар келтирилган. Бу маълумотлар, шубҳасиз, Туркистон заминининг ўша вақтлардаги ижтимоий-сиёсий тарихини, ота-боболаримизнинг турмуш тарзини ўрганишда муҳим тарихий манбалардан бири ролини ўташи турган гап. Шунингдек, "Кундалик"да шундай дейилади: "Самарқанд шаҳрида ҳар йили Хитой, Ҳиндистон, Татаристон ва бошқа мамлакатлардан, шунингдек, бениҳоят бой Самарқанд салтанатининг ўзидан келтирилган моллар сотилади. Шаҳарга келтирилган молларни бир сафда тартиб билан жойлаштириб сотадиган кенг жой (шу пайтгача) йўқ эди. Подшоҳ икки тарафида қатор дўконлар жойлаштирилган савдо растасидан иборат кўча ўтказишни буюрди. Мазкур кўча шаҳарнинг бир чеккасидан чиқиши лозим эди. Подшоҳ бу ишни икки мирзосига топшириб, улар кечаю кундуз (тинмай) меҳнат қилдилар. Йўлга тушган уйлар кимники бўлишидан қатъи назар, бетўхтов бузилди... Кўчанинг икки тарафига дўконлар қурилди, ҳар бир дўкон олдида мармар билан қопланган юксак курсилар ўрнатилган. Ҳар бир дўкон иккита хонадан иборат эди. Кўчанинг тепаси гумбаз шаклида ёпилган бўлиб, ёруғлик тушиб турадиган туйнукчалар қўйилган". "Шу йили (1404 йили) июнь ойида Хонбалиқ (Хитойнинг ўша замондаги пойтахти, ҳозирги Пекин шаҳри атрофида бўлган) шаҳридан қарийб 800 туядан ташкил топган савдо карвони Самарқандга келди".

Дарҳақиқат, Соҳибқирон муҳташам бинолар, бой маънавий ва илмий мерос давлатнинг шон-шуҳратини оширишга хизмат қилишини ўз вақтида тушуниб етган. Амир Темур томонидан Шаҳрисабзда бунёд этилган Оқсарой буюк иншоотлардан ҳисобланган. Соҳибқирон фармонига кўра унинг пештоқида "Агар бизнинг куч-қудратимизга шубҳа қилсанг, биз қурдирган иморатларга боқ!", деган умрбоқий ҳаётий сўзлар битилган. Оқсарой биноси қурилиши ҳақида бир қанча маълумотлар ҳам мавжуд. Уларнинг бирида айтилишича, Амир Темур ўзи туғилиб ўсган Шаҳрисабзда улкан иморат барпо этишни режалаштиргач, бош меъморни чақириб унга фикрларини баён этади. Шунда бош меъмор ўзини давлат хазинасига элтишларини сўрайди ва Соҳибқироннинг кўзи олдида тиллаларни лой билан қориштириб ғишт ясайди. Бу ғиштларни бўлажак бинонинг пойдевори учун ишлатишини айтади. Шундан сўнг бу ерда ҳозир бўлган Амир Темур ўз ишини бамайлихотир кузатганини кўрган бош меъмор ғиштларни синдириб хазиначига қайтаради. Нима учун бундай қилдинг, деган саволга бош меъмор Соҳибқироннинг улкан ва гўзал иморат барпо этиш истаги қанчалик кучли эканлигини кўриш ва бундай кўркам иншоат барпо этиш жуда катта ҳаражатлар талаб этса ҳам Соҳибқирон бу харажатларга рози эканлигигига ишонч ҳосил қилиш, шундан кейингина қурилиш ишларини бошлаши мумкинлигини айтган экан. Яна бир маълумотда айтилишича, Оқсарой қурилишининг дастлабки ишлари тугаши биланоқ, Амир Темур зудлик билан бинони рангдор ялтироқ қопламалар билан безаш ҳақида меъморларга кўрсатма беради. Шунда бош уста марказий гумбазнинг деворига одам бўйича, лекин ерга тегмайдиган қилиб занжир осиб қўяди ва ўзи кетиб қолади. Бош меъморнинг ўрнига ишлаш учун маъқул одам топилмагач, Оқсарой биносининг дастлабки қоплама ва безаш ишлари вақтинча тўхтатилади. Орадан икки йил ўтгач, кетиб қолган бош меъмор қайтиб келади ва Оқсаройга бориб ўзи қўйиб кетган занжирни текшириб, унинг пастга тушганлигигига ишонч ҳосил қилади. Шундан сўнг у Соҳибқирон ҳузурига бориб, бинога безаш ишларини бошлашга рухсат сўрайди. Нима учун ташлаб кетдинг деган саволга бош меъмор – "агар кетмаганимда бино чўкиб, ўз ўрнига жойлашмаган бўлар эди. Икки йил давомида иморат ўз оғирлиги билан чўкди, текис жойлашди, энди бемалол безак ишларини давом эттириш мумкин", деб жавоб берган экан. Саройни меъморий безашда нақшинкор усулларда битилган диний-фалсафий ёзувларга алоҳида эътибор берилган. Ҳозирги кунга келиб кўпгина араб ва форс тилларидаги ёзувлар ўқилиб, таржима қилинган.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, "Темур тузуклари" Амир Темур ва темурийлар даврини ўрганиш учун муҳим манба бўлиб ҳисобланади. Унда Чиғатой улуси (Олтой, Еттисув, Шарқий Туркистон, Мовароуннаҳр ва Шимолий Афғонистон ерлари)нинг 1342-1405 йиллардаги тарихи, давлат ва қўшиннинг тузилиши, Амир Темур давлатининг қўшни мамлакатлар билан олиб борган сиёсий муносабатлари тарихи ўз ифодасини топган. "Темур тузуклари" икки қисмдан ташкил топган. Биринчи қисмда Амир Темурнинг давлатни барпо этиш ва мустаҳкамлаш, қўшинларни ташкил этиш юзасидан тузуклари, режаларидан иборат бўлиб, ҳатто қўшиннинг жанговар тартиби жадваллар воситасида ифодаланган. Иккинчи қисмда 13 кенгаш ва унинг бўлимларида Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келиши ва ҳарбий юришлари тафсилотлари берилади.

Амир Темур зукко сиёсатдон ва йирик давлат арбоби сифатида ўз давлатининг тузилишини, унинг қай тарзда бўлиши кераклигини баён этади, мансабдорларнинг ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб беради. "Тузукот"нинг айниқса, амир ва ҳоким мансабига тайинлаш ҳақидаги маълумотлари ўта муҳимдир. Амир Темур ўз навкарларидан 313 нафарини амирлик мансабига тайинлаган. Улар Амир Темурдан бир қадам ҳам ажралишмаган. Масалан, улардан 100 нафари ўнбоши, яна 100 нафари юзбоши, қолган 100 нафари мингбоши мансабига тайинланган. Қолган 13 нафари бекларбеги, амир ул-умаро мансабини олган.

Асарда айтилишича, Амир Темур қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштирганларни рағбатлантирган. Бундай ишга қўл урганларга Амир Темур ҳукумати катта имтиёзлар берган. Бу ҳақда "Тузукот"да қуйидагиларни ўқиймиз: "Биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили эса қонун-қоидага мувофиқ хирож йиғилсин". "Ўлик" ерларни ҳосилдор ерларга айлантириш шарт-шароитлари ҳақидаги кўрсатмалар ҳам диққатга сазовордир: "Хароб бўлиб ётган ерлар эгасиз бўлса, холиса (давлат ерларини бошқарувчи маҳкама) тарафидан обод қилинсин. Агар эгаси бўлса-ю обод қилишга қурби етмаса, унга турли асбоблар ва керакли нарсалар берсинлар, токи ўз ерини обод қилиб олсин. Яна амр қилдимки, хароб бўлиб ётган ерларда коризлар қурсинлар, бузилган кўприкларни тузатсинлар, ариқлар ва дарёлар устига кўприклар солсинлар, йўл устида, ҳар бир манзилгоҳга работлар қурсинлар".

Амир Темур замонида олиқ-солиқлар муайян тартибда белгиланган эди. Энг муҳими, ердан олинадиган хирож миқдори ҳам, чорвадан олинадиган солиқ миқдори ҳам белгиланган эди. Муҳосиллар (солиқ йиғувчилар) нинг фаолияти устидан назорат ўрнатилган. "Амр қилдимки, дейилади "Тузукот"да, раиятдан мол-хирож йиғишда оғир аҳволга тушириб қўйишдан ёки мамлакатни қашшоқ қилиб қўйишдан эҳтиёт бўлиш зарур, чунки раиятни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағаллашувига олиб келади. Хазинанинг ғариб бўлиб қолиши эса, сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқоқлиги, ўз навбатида, салтанатнинг заифлашувига олиб боради".

Амир Темур армияси ташкилий ва ҳарбий тузилишида, шунингдек, жанг олиб бориш усуллари борасида ўз даврида энг катта ва қудратли армия эди. Қўшин ўнг минглик (туман) тартибида тузилиб, ўнлик, юзлик, мингликларга бўлинган. Қўшинлар кўнгиллилар тарзида тузилган бўлиб, отлиқлар ва пиёдалардан иборат эди. Шуни таъкидлаш керакки, Соҳибқирон тузган энг қудратли ва интизомли армия, қолаверса, Ватанга, халққа садоқат ҳар қандай тўсиқларни мардонавор енгиб ўтишда муҳим омил бўлган. Шу боис ҳам, унинг ҳарбий санъати ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Ана шундай ҳарбий маҳорат билан ёвуз кучлар устидан ғалаба қозонди.

Амир Темурда муҳим ажойиб хислат – қўл остидагиларнинг гуноҳини кечира олиш қобилияти ҳам бўлган. Амир Темур эслайди: "Менга ёмонликлар қилиб, бошим узра шамшир кўтариб, ишимга кўп зиён етказганларни ҳам илтижо билан тавба-тазарру қилиб келгач, ҳурматлаб, ёмон қилмишларини хотирамдан ўчирдим". Аммо у ҳам кўплар қатори уч маротабагача кечира олган. Жониқурбоний қавмидан машҳур Арғуншоҳнинг авлодидан Алибек Амир Темур хотини Ўлжой Туркон оға билан саргардонликда юрганларида бошларига кўп кулфат солган эди. Амир Темур салтанат тахтини эгаллагандан кейин ўша Алибек икки бор унинг қўлига тушди ва икки дафъа ҳам кечирилган ҳамда наслдор от ва зар қадалган камар, қимматбаҳо қурол ҳамда шоҳона сарупо билан тақдирланиб, хизматга қабул қилинган. Аммо у қасамни бузиб, вақтни ғанимат билиб, олий даргоҳни тарк этди ва саҳро сари қочиб кетди. Алибек учинчи бор қўлга тушгач, уни Амир Темур ўлимга буюрди. Амир Темур очкўз, зиқна, ёвуз ва нафс бандларини ёқтирмас эди, айниқса ўзининг кечаги валинеъматини унутганларга нисбатан шафқатсиз эди. "Қайси бир сипоҳий туз ҳаққи ва вафодорликни унутиб, хизмат вақтида ўз соҳибидан юз ўгириб, менинг олдимга келган бўлса, ундай одамни ўзимга энг ёмон душман деб билдим. Чунончи, Тўхтамишхон билан бўлган урушда унинг амирлари менга хабарлар ва шикоят-аризалар ёзиб, ўз ҳукмдори, яъни менинг душманим бўлмиш Тўхтамишхон берган туз ҳақини унутдилар, вафодорлик ва ҳақиқатни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, менинг ҳузуримга паноҳ истаб келганлари учун уларни лаънатладим, ўзимга "булар ўз соҳибига вафо қилмагач, менга қилармиди?" – деб ўйладим".

Дарҳақиқат, Амир Темур барпо этган буюк салтанат дунё халқлари тақдирида, уларнинг ўзаро ҳамжиҳатлик асосида юксалишида муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Шуни айтиш керакки, Соҳибқирон жамиятдаги барча табақаларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини эътиборга олган мардлар ва номардларга нисбатан алоҳида тартиб асосида иш юритган. Уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, бурч ва мажбуриятлари ўзига хос бўлган қонунлар билан амалга оширилган. Бу эса ўз навбатида мустаҳкам, ягона тартиб мавжудлигидан далолат беради. Унинг халқ фаровонлиги, юрт ободончилиги, илм-фан ривожи, давлат бошқаруви ва ҳарбий стратегия соҳасидаги барча-барча ишлари дунё халқлари томонидан шунингдек, тарихий манбаларда эътироф этилганлиги диққатга сазовордир.

**Ҳакимали АЗИМОВ,**
*Тошкент давлат юридик университети профессори.*

# САЙФИДДИН ЁШ ФИЗИКЛАРНИНГ БУТУНЖАҲОН ОЛИМПИАДАСИДА ЮРТИМИЗ ШАРАФИНИ
# ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

**(Боши 1-саҳифада)**

– Олимпиада жуда яхши ташкил қилинди, – дея таъкидлади мактаб директори вазифасини бажарувчи Бобур Тошпўлатов. – Синовлар натижасини кутиш анча ҳаяжонли кечди. Ниҳоят ғолиблар эълон қилинганда физика фани бўйича иштирок этган ўқувчимиз Сайфиддин Эшонқулов тенгдошлари орасида энг юқори кўрсаткичга эришиб, олимпиада ғолиби бўлганлиги ҳаммамизни қувонтириб юборди.

Мактаб ҳовлисида саф тортган мактаб ўқувчилари ўз мактабдошларининг ютуғини табриклаб кутиб олдилар. Улар ҳузурида Сайфиддинга ва ўқитувчиси Б.Тошпўлатовга Ўзбекистон мактабгача ва мактаб таълими вазири Ҳ. Умарованинг ташаккурномаси топширилди.

Сарой қишлоғида жойлашган 56-сон ўрта мактабида таълим олиб, илк саводини чиқарган Сайфиддинни отаси Дўстқобил Бозоров янада чуқур билим олиши учун 5-синфдан 68-мактабга ўқишга қўйди. Тиришқоқ ўқувчи синфдошлари орасида тезда аълочилар сафидан ўрин олди. Отаси ва амакиси Эсон Бозоров математика ўқитувчилари бўлганлиги сабабли дастлаб унинг бу фанга қишиқиши жуда юқори эди. Сайфиддин халқаро олимпиадалар саралаш мусобақаларида иштирок этди, тайёргарликни янада кучайтирди ва 11-синфда ўз мақсадига эришди. Физика фани бўйича Осиё мамлакатлари ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган олимпиадага уч босқичли саралаш ўтказилади. Унинг икки босқичидан юқори кўрсаткичга эришган паллада Олма Ота шаҳрида МДҲ ўқувчилари ўртасида ўтказилган халқаро олимпиадада ҳам иштирок этишига тўғри келди. Бу мусобақада ўзининг натижасидан кўнгли тўлмаган Сайфиддин қаттиқ тайёргарлик кўрди ва кейинги босқичда юқори натижа билан Малайзияда ўтказиладиган Осиё мамлакатлари ўқувчиларининг олимпиадасида иштирок этувчи Республика терма жамоаси аъзолигига қабул қилинди.

– Ниятим Малайзияда медални қўлга киритиш, - дейди Сайфиддин. - Яна Эронда бўладиган ёш физикларнинг Бутунжаҳон олимпиадасида ҳам юртимиз шарафини ҳимоя қилмоқчиман.

Ўз фарзандларининг ютуқларидан қувониб, юртимизда ўқувчилар учун яратиб берилаётган имкониятлардан миннатдор бўлган Сайфиддиннинг ота-онаси ва барча устозларининг қувончлари чексиз.

**Лобар НУРИДДИНОВА**



*Тавсия*

# ҚАЙСИ МАҲСУЛОТЛАРНИ МУЗЛАТКИЧДА САҚЛАШ МУМКИН ЭМАСЛИГИНИ БИЛАСИЗМИ?

*Картошка – агар картошка музлаткичда сақланса, пўчоғи қораяди ва яхши кўринишини йўқотади. Бундан ташқари, картошка крахмали аста-секин шакарга айлана бошлайди – илдиз мевалари ширин бўлиб, фойдали моддалар йўқ бўлиб кетади. Картошкани қоронғи ҳамда салқин жойда сақлаш тавсия этилади.*

**Пиёз –** доимий равишда тоза ҳаво билан таъминланиши керак – уни тўрли қопларда сотишлари бежиз эмас. Уни картошка билан сақлаш мумкин эмас, сабаби улар ўртасида реакция бошланади, бу эса пиёзларнинг тўлиқ яроқсиз ҳолга келишига олиб келади.

**Саримсоқпиёз –** тадқиқотлар шуни кўрсатадики, саримсоқпиёз эрта униб чиқади ва совуқ ҳавода ёмонлашади. Бундан ташқари, у ҳам пиёз каби тоза ҳавога муҳтож. Шунингдек, уни ҳам бошқа сабзавотлар, айниқса мевалар бирга сақламаслик керак. Акс ҳолда уларнинг барчаси саримсоқпиёз туфайли таъми ўзгаради.

**Помидорни** музлаткичда сақлаш учун қўйилганда бу маҳсулот тезда юмшайди ва фойдали хусусиятларини йўқотади, уларни хона ҳароратида қоронғи жойда сақлаш яхшидир.

**Банан –** Худди юқоридагидек банан ҳам музлаткичда секинроқ пишади, лекин уларнинг пўсти тез орада жигарранг бўлади.

**Асал –** инсониятга маълум бўлган биринчи консервантдир ва у табиий ҳароратда деярли абадий сақланади. Қадимги Миср қабрларини қазиш пайтида ҳам асал топилган. Аммо у музлаткичда қолдирилса, кристалланади ва қаттиқлашади.

**Тарвуз –** пишмаган тарвузни қоронғи, салқин хонада сақлаш мумкин. Шунинг учун у бироз пишиб, ширинроқ бўлади. Аммо кесилган тарвузни музлаткичга қўйиш мумкин, у ширинлигини сақлайди ва қуриб кетмайди.

Барча меваларни хона ҳароратида сақлаш зарур. Агар уларни бир неча ой давомида сақламоқчи бўлсангиз, музлаткичга қўйиш тавсия этилади, бироқ уларнинг таъми ўзгариши мумкинлигини ёдда тутиш керак.

**Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ахборот хизмати.**

*Эълонлар*

Гаянова Светлана Рашидовна номига 2001 йил 5 декабрда берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи 00-21/13414 сонли Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Мусаева Нафиса номига 1993 йил 2 августда берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи 00-21/6563 сонли Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Холбутаев Суюнбой Кобулович номига 2000 йил 25 сентябрда берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи 11-01/7381 сонли Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

*Маълумки ҳар бир оила никоҳ устига қурилади. Никоҳ эса муқаддас тушунчадир. Ҳеч бир дин Исломчалик никоҳга эътибор берган эмас. Шариатимизда никоҳни тарғиб этувчи жуда кўп оят ва ҳадислар мавжуд. Оила ҳақида сўз юритишимиздан олдин, ушбу оят ва ҳадисларни келтириб ўтамиз.*




"Никоҳ" сўзи "қўшилиш", "жамланиш", "яқинлашиш" маъноларини билдиради. Шариъатда эса "Никоҳ баҳраланиш эгалигини ҳосил қилувчи боғланишдир". Аллоҳ таоло Қуръони каримда: "Ораларингиздаги никоҳсизларни ва қулу чўриларингиздан солиҳларини никоҳлаб қўйинг. Агар фақир бўлсалар уларни Аллоҳ ўз фазлидан бой қилур. Аллоҳ Восеъ ва Алиймдир. ("Нур" сураси 32 – оят)

"Батаҳқиқ, биз сендан олдин ҳам Расуллар юбордик ва уларга хотинлар ва зурриётлар ато қилганмиз" (38 – оят). Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилинаётган ушбу оятда Аллоҳ таоло оилали бўлиш, уйланиш ва зурриётли бўлиш барча Пайғамбар алайҳиссаломларнинг суннатлари эканини баён этмоқда. Маълумки, Пайғамбар алайҳиссаломлар Аллоҳ таолонинг энг суюкли, танлаб олган, бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатган бандаларидир. Улар инсоният тарихи давомида илоҳий қонун қоидалар асосида яшашни кишиларга ўргатиб келган шахслардир. Ана ўшандай олий мақом зотларнинг ҳаммалари оилали ва зурриётли бўлишлари бежиз эмас. Бу ҳолат барча инсонлар оилали бўлиб, ҳалол, пок йўл билан зурриёт қолдиришга уринишлари керак эканини кўрсатади. Бу оятда никоҳга қаттиқ тарғиб борлиги кўриниб турибди.

Ривоятларда айтиладики, "Аллоҳ таоло ўзининг китоби Қуръони каримда ҳеч бир Пайғамбарни зикр қилмади, фақат оилали ҳолатда зикр қилди. Аллоҳ таоло Ўз дўстларини ва жаннатий бандаларини сифатлаб шундай марҳамат қилади: "Улар: "Парвардигоро, хотинларимиздан ва зурриётларимиздан бизларга кўз қувончини бахш эт ва бизларни тақводорларга пешво қилгин!", - дейдиган кишилардир".

Бу ояти каримада Аллоҳ таоло ўз дўстларини дуоларини зикр қилиб келтирди. Демак, Аллоҳга яқин зотлар оила қуришни ва зурриёт қолдиришни хоҳлар экан. Никоҳ Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларидан экани намоён бўлади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларида никоҳга тарғиб жуда кучли тарзда келган. Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: "Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: "Эй ёшлар жамоаси, сизлардан ким никоҳга қодир бўлса, уйлансин". Ушбу ҳадиси шарифда "Никоҳга қодир бўлса", деб таржима қилинган ибора арабча "боъа" дейилиб, моддий, маънавий ва жисмоний жиҳатдан никоҳга қодирлик маъносини англатади. Демак, шу маънодаги имконга эга бўлган ҳар бир мусулмон уйли, жойли, оилали бўлишга ҳаракат қилмоғи лозим.

**Камолиддин ҲАМРОҚУЛОВ,**
*Норин тумани бош имом хатиби.*

*Рамазон ҳайити муборак бўлсин!*

*Ўгит*

**Ёзнинг** айни иссиқ авжига чиққан кунлари эди. Жияним билан Намангандаги сиҳатгоҳдан қайтаяпмиз. Машинада тўрт аёлмиз. Биз билан келаётган икки аёл ҳам бизнинг тумандан. Сиҳатгоҳда танишиб қолдик.

# Нон ёпаётган аёл...



Йўлда патир сотадиган қатор дўконлар олдида тўхтадик. Довоннинг патири бошқачада. Бир ой сақласангиз ҳам сифати бузилмайди. Мазасинику қўяверинг, оғзингизда эриб кетади.

Ҳайдовчи новвойхонани кўрсатиб, энг ширин патир шу ерда ёпилади, нархи ҳам арзон, деди. Дўконлар шу ердан олиб сотишаркан.

Ҳақиқатан дўконлар ортида икки тандир бор. Бирида олов ёнса, биридан аёл патир узяпти. Иссиқ нон ҳиди бутун довонни тутди, десам, ишонинг.

Аёлнинг патирларни узиб бўлишини сал нарида кутиб турдик. Тўғриси, тандирнинг ёнига боролмадик. Чунки беш метр масофада турсак ҳам тандирдаги чўғнинг иссиғи бизгача етиб келаётган эди. Ва ниҳоят аёл нонларни узиб бўлди. Ёнидаги қизими, келиними билмадим, саватни кўтарганча ёнимиздаги стол устига олиб келиб қўйди.

Жияним иккимиз шоша-пиша саватдаги нонга ёпишдик. Мен ноннинг энг чиройлиларидан саккизтасини танлаб олдим. Жияним ҳам. Новвой аёлдан нархини озроқ туширишини, кўп олаётганимни сўрадим. Аёл аввалига рози бўлмади, кейин меҳмонлигимизни назарда тутдими, ҳар қалай озроқ тушиб бердилар. Ёнимдаги хола эса индамай мени ҳаракатимни кузатиб турар эди. Кейин саватдаги мен ажратиб қўйган патирларни бир четдан танламай олдиларда, аёлга пул узатдилар. Аёл қайтим қайтарган эди, хола олмадилар. Ҳайрон бўлдим.

Машинага келиб нонларни жойлаб, йўлга тушдик. Анча юргач хола менга қарадилар. Юзларида норозилик ифодаси бор эди.

– Менга қара қизим, сиҳатгоҳда танишганимдан буён сени ўз қизимдай яхши кўриб қолганман. Ҳозирги гапларим балки сенга ёқмас, балки мени нотўғри тушунарсан, аммо айтмасам бўлмайди.

Холанинг гапларига ҳайрон бўлдим. Холага нонни танлаб олганим ёқмагани аниқ. Чунки уларга чети куйгани қолгандида. Хола индамай гапида давом этди.

– Бозорга борсанг, истаган маҳсулотнинг нархини талашиб, тортишиб оласан. Чунки у бозор. У ҳалол. Аммо жонини бу дунёнинг дўзахига топшириб, нон ёпаётган аёл билан асло нарх талашма! Кўрдим, анча бу ёқда турдинг. Тандир ёни иссиқ бўлганидан бора олмадинг. У аёл эса минг азобда хамир қориб, иссиқда нон ёпса-ю, сен нарх талашсанг. Бу ишинг менга маъқул келмади. Арзимаган пул учун бундай қилишинг яхшимас. Бу менинг сенга бир насиҳатим. Ўқимишли аёлсан. Ўзингга муносиб бўл ҳар вақт.

Хола гапиряпти бўғзим ачишади, кўзимдан ёш қуйилиб келади. Ерга қараганча бошимни қимирлатаман холос.

Қанийди ҳозир новвой аёлнинг ёнида бўлиб қолсам, улардан узр сўрасам дейман. Афсус биз у ердан анча олислаб кетгандик.

Шу-шу холанинг насиҳатига амал қиламан. Улардан бир умрга етадиган ибрат олгандим. Дўконга кирсам атай чети чўғда куйган нонни танлаб оламан. Бундан ҳечам афсус қилмайман. Аксинча озгина куйган жойини олиб ташлайман холос, кейин маза қилиб ейман. Дўкончилар берган сарасини эмас, бошқасини олганимни кўриб ҳайрон бўлишади. Улар ҳамон қулоғим остида холанинг гаплари жаранглаётганини билишмайди-да...

**Муҳайё ЎРОҚОВА**




*Қутлов*







Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
**Ўзбекистон Республикаси**
**Вазирлар Маҳкамаси комплекси таркибидаги**
**ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.**

Бош муҳаррир: **Чори ЛАТИПОВ**
**Таҳрир ҳайъати:**
Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ, Шавкат ҲАМРОЕВ,
Актам ХАИТОВ, Маҳмуд ТОИР,
Ҳабиб ТЕМИРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари),*
Раимқул СУЯРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари).*

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ – 144. Буюртма Г-417. 1420 нусхада чоп этилди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
**Таҳририят манзили:** Тошкент вилояти Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. **Телефонлар:** 95-080-43-70, 99-050-69-45.
**Реклама ва эълонлар –** (998 90) 317-19-16. **e-mail:**infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нархда.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Босмахона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7021

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 17.30